

## Ҳамма иш ягона Аллоҳнинг қўлида



17:00 / 28.01.2021 4753

كَلِمَاتٍ غَفِي نَمَوَنِي مُمْلَا نُونِ مَائِي لَوَا نِي رِفَا كَلَا نُونِ مُمْلَا دِخْتِي آل  
هُلَلَا مُمْ كُرْدِي وَهَاتُ مُمْهُنْمُ أَوْقَات نَأَالِي أَيَشِي فِهَلَلَا نَمَسِّي لَف  
رِي صَمَلَا لَلَا لَوَا وَسْفَن

**«Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни ўзларига дўст тутмасинлар. Ким буни қилса, бас, у Аллоҳ(дўстлиги)дан ҳеч нарсада йўқдир. Магар улардан қўрқиб, сақлансангиз, майли. Аллоҳ сизларни Ўзидан огоҳлантирур. Ва сўнгги қайтиш фақат Аллоҳгадир».** (Оли Имрон сураси, 28-оят)

Яратувчи – ягона Аллоҳнинг Ўзи. Ҳамма иш ягона Аллоҳнинг қўлида. Мулк берувчи ҳам ягона Аллоҳ, ризқ берувчи ҳам ягона Аллоҳнинг Ўзи. Бутун оламнинг тадбирини қилувчи ҳам ягона Аллоҳнинг Ўзи. Аллоҳ таоло ушбу оятда мўминларга қарата:

**«Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни ўзларига дўст тутмасинлар»,** – деб фармон қилмоқда.

**«Ким буни қилса, бас, у Аллоҳ(дўстлиги)дан ҳеч нарсада йўқдир», дегани «Аллоҳга ҳеч қандай алоқаси йўқ»** деганидир.

Исломда бошқа диндагилар билан яхши алоқада бўлишга рухсат бор. Лекин дўст тутиш, ҳамма нарсани кофирга ишониб, топшириб қўйиш мумкин эмас.

Фақат бир ҳолатдагина, истисно тариқасида, юзаки равишда ўзини кофирга дўст қилиб кўрсатиши мумкин:

**«Магар улардан кўрқиб, сақлансангиз, майли».**

Бундай тасарруф «тақийя» деб аталади. Тақийяда ўзини сиртдан дўст қилиб кўрсатиб, жонни, молни ва номусни душманлардан сақлаб қолишга ҳаракат қилинади.

**«Аллоҳ сизларни Ўзидан огоҳлантирур. Ва сўнгги қайтиш фақат Аллоҳгадир».**

Аллоҳга тақво қилганлар ва Унинг азобидан огоҳ бўлганлар доимо ютуққа эришадилар. Хусусан, Аллоҳнинг ҳузурига қайтиб борганда нажот топишлари аниқ.

Кейинги оят ушбу огоҳлантиришни яна давом эттириб, Аллоҳ доимо бандани кузатиб туришини таъкидлайди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّبِعُوا هَدْيَ الْكُفْرِ وَالشُّكْرِ إِنَّكُمْ لَعِندَ رَبِّكُمْ فِي حَقِّ عِلْمٍ عَظِيمٍ  
﴿رَبِّدَقِّ عَيْشِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ﴾

**Айт: «Агар кўксларингиздаги нарсани махфий тутсангиз ҳам, ошкор қилсангиз ҳам Аллоҳ биладир. У осмонлардаги нарсаларни ҳам, ердаги нарсаларни ҳам биладир. Аллоҳ ҳар бир нарсага ўта қодирдир».** (Оли Имрон сураси, 29-оят).

Ояти карима Аллоҳ таоло бандаларининг барча ишларидан очиқ-ойдин хабардор эканини шубҳага ҳеч ўрин қўймайдиган даражада баён қилмоқда:

**«Агар кўксларингиздаги нарсани махфий тутсангиз ҳам, ошкор қилсангиз ҳам Аллоҳ биладир. У осмонлардаги нарсаларни ҳам,**

**ердаги нарсаларни ҳам биладир».**

Жумладан, ким махфий равишда кофирларни дўст тутса ҳам билади. Билганидан сўнг албатта унинг жазосини беради. Чунки:

**«Аллоҳ ҳар бир нарсага ўта қодирдир».**

Агар баъзи бир ҳикматга биноан, гуноҳкорни бу дунёда жазоламаса ҳам, у дунёда албатта жазолайди.

***«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди***